

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИФДЖАНОВА КАМОЛА САЙФУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРITЛАРИДАН ОЛИНГАН
ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ АСОСИДА НАТРИЙ ВА
НАТРИЙ-АММОНИЙ ОРТОФОСФАТЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ
АСОСЛАРИНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation doctor of science

Арифджанова Камола Сайфуллаевна

Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган экстракцион фосфор кислотаси асосида натрий ва натрий-аммоний ортофосфатларнинг физик-кимёвий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Арифджанова Камола Сайфуллаевна

Разработка физико-химических основ и технологии ортофосфатов натрия и натрия-аммония на основе экстракционной фосфорной кислоты из фосфоритов Центральных Кызылкумов 29

Arifdjanova Kamola Sayfullaevna

Development of physical and chemical foundations and technology of sodium and sodium-ammonium orthophosphates based on extraction phosphoric acid from phosphorites of the Central Kyzylkum 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИФДЖАНОВА КАМОЛА САЙФУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН ОЛИНГАН
ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ АСОСИДА НАТРИЙ ВА
НАТРИЙ-АММОНИЙ ОРТОФОСФАТЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ
АСОСЛАРИНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/T149 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кучаров Баҳром Хайриевич
техника фанлари доктори

Реймов Аҳмед Мамбеткаримович
техника фанлари доктори, профессор

Султонов Баҳодир Элбекович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Навий давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» сентябр соат 10⁰⁰ - даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99 871) 262 -79-90, факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (9 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99 871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» сентябр куни тарқатилди.
(2021 йил «15» сентябрдаги № 10 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Ш.С. Намазов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда илмий ҳажмдор ва нанотехнологиялар ривожланиши билан амалдаги ишлаб чиқариш тармоқлари такомиллашиб бориши натижасида турли хил мавжуд ва арзон кимёвий моддаларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, натрий бирикмалари, хусусан, натрий дигидро-, гидро- ва фосфат алоҳида ўрин тутди. Шу муносабат билан энергетика, тўқимачилик, чарм саноати, ювиш воситалари олиш, нефть қазиб олиш тармоқлари ва ҳайвонларга озиқа ишлаб чиқариш соҳаларини тоза ва нисбатан арзон натрий ва натрий-аммонийфосфатлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёда тозаланган экстракцион фосфат кислотаси (ЭФК) асосида натрий ортофосфатларнинг тоза тузларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада натрий фосфат ишлаб чиқаришнинг технологик циклида фосфоритлардан олинган ЭФКни кўшимча аралашмалардан тозалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, фосфоритларни турли хил натрий ортофосфатлар ва натрий-аммонийфосфатларга қайта ишлашнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш, фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФКни натрий бирикмалари билан нейтраллаш жараёнини ўрганиш, дастлабки ва нейтралланган бўтқалар ҳамда эритмаларнинг реологик хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Марказий Қизилкум (МК) фосфоритлари ЭФКни фтор, кальций сульфат ва бошқа аралашмалардан тозалаш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий МК фосфоритлари кўшимча аралашмалардан тозаланган ЭФКни олиш ва унинг асосида моно-, ди-, тринатрий фосфат(ТНФ)лар ҳамда натрий-аммонийгидрофосфат тузларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4256-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларда инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сонли «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшилган қийматли кимёвий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII - «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Турли фосфат хомашёларида ЭФК олиш ва уларни тозалашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), Engineering Dobersek GmbH (Германия), Fertilizer Research Center (Польша), University of Science and Technology (Хитой), The Chemical Society of Japan (Япония), Department of Mining & Metallurgical Engineering (Эрон), Department of Chemistry (Ҳиндистон), Department of Chemical Engineering (Иордания), «ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ (Россия), Санкт-Петербург давлат технология университети (Россия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тозаланган экстракцион фосфор кислотаси олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фосфат кислотаси экстракциясини органик эритувчилар иштирокида тозалаш усуллари ишлаб чиқилган («ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ (Россия)); сорбентлар ва ион алмашувчи қатронлар ёрдамида металл аралашмалари - кальций, магний, темир, алюминий ионларини, шунингдек анион аралашмалари (фтор ионлари, кремнийфторидлар, сульфатлар)ни ажратиш олиш усуллари яратилган (Fertilizer Research Center, Польша); буғланишининг биринчи босқичида P_2O_5 ни 50-54% га ва фторсизлантириш даражасини 65-70% га эришишга имкон берадиган ЭФКни концентрациялаш усуллари ишлаб чиқилган (Department of Chemistry Ҳиндистон); калий ва натрий тузлари билан қийин эрийдиган кремнийфторидлар шаклида чўктириш йўли билан ЭФКни фторсизлантириш усуллари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург Давлат технология институти, Россия); ЭФКни мишьяк ва сурьмадан, уларни газсимон гидридлари - водород арсин ва антимонад ҳосил бўлиши билан катализаторда гидрогенлаш орқали тозалаш усули ишлаб чиқилган (The Chemical Society of Japan, Япония).

² Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи <https://science.sciencemag.org/content/220/4595/365>, <https://www.annualreviews.org/doi/abs/10.1146/annurev.matsci.27.1.89>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа ҳаволалар

Дунёда паст навли фосфоритларни ЭФКга қайта ишлаш, уларни тозалаш ва фосфат кислота тузларига қайта ишлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кислота ишлаб чиқариш жараёнида ЭФКни тозалаш усуллари аниқлаш; фторни натрий ва калийли кремнийфторидлар шаклида чўктириш усуллари такомиллаштириш; кислотани кальций, барий, стронций бирикмалари билан сульфатсизлантиришни тадқиқ этиш; кислотани аммиак билан қисман нейтраллаш орқали фтор, кальций бирикмалари ва бошқа метал оксидларидан чуқур тозалаш усуллари аниқлаш; тозаланган кислотани натрий фосфатларига қайта ишлаш технологиясини яратиш; паст навли фосфоритларни озучаб натрий, натрий-аммоний фосфатларига қайта ишлашнинг янги техник ечимларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник ва патент адабиётларида натрий фосфатларнинг термик фосфат кислотасидан олинишига оид кўплаб манбаларда мавжуд, аммо уларни ЭФКдан олиниши бўйича деярли маълумотлар мавжуд эмас. ЭФКни қўшимчалардан тозалаш ва фосфат кислотасининг тоза тузларини олиш муаммолари бўйича С.Н.Вольфович, М.Е.Позин, М.Н.Набиев, Б.А.Дмитревский, С.П.Кочетков, И.А.Петропавловский, Н.Н.Бушуев, М.И.Никандров, Б.М.Беглов, Ш.С.Намазов, К.Гафуров, А.У.Эркаев, Х.Ч.Мирзакулов, И.Т.Шамшидинов, А.А.Киселев ва бошқалар шуғулланишган.

Фосфат хомашёсининг ҳар бир қазилма манбааси ноёбдир ва ўзига хос хусусиятларга ва таркибга эга. Минерал хомашёнинг геологик келиб чиқиши бир-биридан фарқ қиладиган минералогик хусусиятларига ва кимёвий таркибига таъсир қилади. Бунинг учун ҳар бир фосфат хомашёси тури учун алоҳида илмий ва технологик ёндашувлар зарур. Жаҳон амалиётида мавжуд бўлган амалдаги ишланмаларни МК фосфоритларидан олинган ЭФКни тозалаш учун қўллаб бўлмайдди, чунки улар таркиби ва аралашмалар миқдори жиҳатидан жуда кескин фарқ қилади. Ўзбекистон шароитида органик экстрагентлар, самарали катионит ва анионитлар ишлаб чиқарилмаслиги сабабли, ЭФКдан фосфат кислотасининг тоза тузларини олиш бўйича илмий адабиётларда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб бўлмайдди. Чўктириш усуллари унчалик самарали эмас. МК фосфоритларидан олинган ЭФКни фтор, металлоксидлар, кальций, магний, сульфатлардан максимал тозалаш тўғрисида маълумотлар мутлақо мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №6-099 «Марказий Қизилкумнинг экстракцион фосфат кислотаси асосида натрий ва аммоний фосфатлар ва полифосфатларнинг тоза тузларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш», №ЁА-7-5 «Марказий Қизилкум экстракцион фосфат кислотаси асосида натрий полифосфатнинг тоза тузлари олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш», №ИОТ-7-14 «Маҳаллий фосфатли хомашёлар асосида натрий ва аммоний фосфатларнинг тоза тузларини тажриба-саноат технологиясини ўзлаштириш ва жорий қилиш» ва №ИЗ-20170930300 «Марказий Қизилкум фосфоритлари

экстракцион фосфат кислотаси асосида натрий полифосфат олиш технологиясини ўзлаштириш» мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади МҚ фосфоритларини техник ва озучабоп натрий ва натрий-аммоний ортофосфатларига қайта ишлаш технологиясини физик-кимёвий асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

МҚ фосфоритларидан олинган фторсизлантирилган ЭФКни кальций бирикмалари билан сульфатсизлантириш жараёнини тадқиқ қилиш;

ЭФК, натрий карбонат ва гидроксид асосида натрий ортофосфатлар олиш имкониятини термодинамик асослаш;

изомоляр серия усулида фосфор кислотасининг натрий карбонат билан ўзаро таъсири натижасида моно-, ди- ва ТНФ ҳамда моноаммонийфосфатнинг натрий карбонат билан ўзаро таъсири натижасида натрий-аммонийгидрофосфат олиш имкониятларини ўрганиш;

$\text{Na}_2\text{O}-\text{P}_2\text{O}_5-\text{H}_2\text{O}$ тизими эрувчанлик диаграммаси таҳлили ҳамда натрий ва натрий-аммоний ортофосфатларни олиш жараёнларини физик-кимёвий асослаш мақсадида $\text{NaH}_2\text{PO}_4-\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4-\text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{HPO}_4-(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4-\text{H}_2\text{O}$, $\text{NaH}_2\text{PO}_4-\text{Na}_2\text{CO}_3-\text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{HPO}_4-\text{Na}_2\text{CO}_3-\text{H}_2\text{O}$ тизимларини ўрганиш;

фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФКни натрий бирикмалари билан нейтраллаш жараёнини тадқиқ қилиш;

дастлабки ва нейтралланган бўтқалар ҳамда эритмаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

ЭФКни натрий карбонат билан нейтралланган эритмаларининг суюқ ва қаттиқ фазаларини ажратиш жараёнини ва уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

натрий гидрофосфатнинг тозаланган эритмаларини натрий гидроксид билан қўшимча нейтраллаш жараёнини ўрганиш;

қўшимча нейтралланган эритмаларнинг буғланиш жараёнининг оптимал технологик параметрларини аниқлаш;

буғлатилган эритмалардан натрий дигидрофосфат олиш жараёнини тадқиқи;

моноаммонийфосфат ва натрий карбонатдан натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрат синтези жараёнини тадқиқ қилиш;

тозаланган ва буғлатилган эритмалардан натрий гидрофосфат ва ТНФ олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

натрий ва натрий-аммоний ортофосфатлари олишнинг технологик схемаларини, моддий балансини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган техник ечимларнинг самарадорлигини дастлабки техник-иқтисодий ҳисобларни ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида МҚ фосфоритлари, жумладан, бойитилмаган фосфат хомашёси (БФХ), ювиб куйдирилган фосконцентрат (ЮКФК), кальций оксиди, фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФК, натрий карбонат, гидрокарбонат ва гидроксид, натрий фосфатлар, натрий-аммонийгидрофосфат олинган.

Тадқиқотнинг предметини ЭФКни қўшимча аралашмалардан тозалаш ҳамда натрий фосфатлар ва натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрат олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, термогравиметрик, сканерловчи электрон микроскопия, масс-спектроскопия) таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кальцийли бирикмалар – кальций оксиди, БФХ, ЮКФК билан МК фосфоритлардан олинган қисман фторсизлантирилган ЭФКни сульфатсизлантириш жараёнининг оптимал технологик параметрлари ва ҳосил бўлган чўкмалар таркиби аниқланган;

илк бор ЭФКни сульфат ва фтор ионларидан юқори даражада тозалаш учун сульфат ионига кальцийли реагентнинг ҳамда ЭФК таркибидаги фторга натрий силикат таркибидаги Na_2O нинг оптимал нисбатлари аниқланган;

реакциянинг изобар-изотермик потенциали қиймати пастлиги (-5,54 кж/моль) сабабли ТНФ ҳосил бўлиш реакцияси қийин бориши исботланган ҳамда ЭФК ва натрий гидрофосфат эритмаларини натрий гидроксид билан нейтралланганда ТНФ ҳосил бўлиши осон кечиши аниқланган;

изомоляр серия усули билан ЭФК, натрий дигидрофосфат ва моноаммонийфосфатларни натрий карбонат билан ўзаро таъсири натижасида натрий дигидро-, гидро- ва ТНФлар ҳамда натрий-аммонийгидрофосфат олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

моно-, динатрийфосфатлар, моно-, диаммонийфосфатлар, натрий карбонатли системаларда визуал-политермик усул билан эрувчанлиги ва системалар оддий эвтоник турга мансуб эканлиги аниқланган;

МК фосфоритларидан олинган фторсизлантирилган ЭФКни тозалаш ва аралашмалардан тозаланган мононатрий- ва динатрийфосфатларнинг эритмаларини олиш, уларни ТНФ олиш учун қайта ишлаш жараёнига технологик параметрларнинг таъсири ва ҳосил бўлган чўкмалар таркиби аниқланган;

турли хил гидратли натрий ортофосфатларнинг кристалланиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсир қонуниятларини аниқланган;

натрий-аммоний гидрофосфат тетрагидрат ва унинг асосида натрий дигидрофосфат моногидрат синтези учун оптимал шароитлар аниқланган;

илк бор МК фосфоритларидан олинган ЭФКдан натрий дигидро-, гидро-, ТНФлар ва натрий-аммоний гидрофосфат олиш жараёнларининг оптимал технологик параметрлари аниқланган;

МК фосфоритларидан олинган ЭФКни турлича гидратланган натрий ортофосфатларга ва натрий-аммоний гидрофосфат тетрагидратга ҳамда натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидратни натрий дигидрофосфат моногидратига қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

оламшумул янгилигига эга бўлган МК фосфоритларидан натрий фосфатларнинг чуқур тозаланган эритмаларини олишнинг технологик

схемаси, моддий оқим схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилган;

турлича гидратланган ва тозаликдаги натрий дигидро-, гидро-, ТНФлар олиш технологик схемаси, моддий оқим схемаси ва моддий баланси ишлаб чиқилган;

моноаммонийфосфат эритмаси ва натрий карбонатдан натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрати ва унинг асосида юқори тозаликдаги натрий гидрофосфат моногидрати олишнинг чиқиндисиз технологик схемалари, моддий оқимлар схемалари ва моддий баланслар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тажриба ва саноат шароитида кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар – маҳаллий МК фосфоритларидан натрий ортофосфат ва натрий-аммонийгидрофосфат тузларини синтези учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МК фосфоритларидан олинган ЭФКни техник, озуқабоп ва ундан юқори тозаликдаги натрий ва натрий-аммоний фосфатларига қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш, саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда республиканинг натрий ва натрий аммоний фосфатларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МК фосфоритлардан техник, озуқабоп ва юқори даражадаги тозаликдаги натрий ва натрий-аммоний фосфатлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий фосфат олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№ IAP 04968, 2014). Натижада, МК фосфоритларидан олинган ЭФК асосида тоза натрий ортофосфат олиш имконини берган;

МК фосфоритларидан олинган ЭФКсидан натрий ортофосфатлар тузлари ишлаб чиқариш технологияси «Uzkimyosanoat» АЖнинг «2021-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Uzkimyosanoat» АЖнинг 2021 йил 18 августдаги 23-3-2964-сон маълумотномаси). Натижада, Республикада илк бора МК фосфоритларидан олинган ЭФК асосида натрий ортофосфат тузларини олиш имконини берган;

моноаммонийфосфатнинг тозаланган эритмалари ёрдамида юқори тозаликдаги натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрати ва натрий гидрофосфат олиш технологияси «Uzkimyosanoat» АЖнинг «2021-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Uzkimyosanoat» АЖнинг 2021 йил 18 августдаги 23-3-2964-сон маълумотномаси). Натижада, моноаммонийфосфатнинг тозаланган эритмаларидан техник, озуқабоп ва юқори тозаликдаги натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрати ва натрий дигидрофосфат олиш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 10 та илмий мақола, жумладан, 5 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертациянинг Республикада фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар тақдим этилган, натижаларнинг амалда бажарилиш даражаси кўрсатилган, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Фосфат кислотаси ишлаб чиқариш ва натрий фосфат ишлаб чиқаришни ривожланиш тенденцияси**» номли биринчи бобида натрий фосфатдан фойдаланиш бўйича адабиёт маълумотлари, талаб, ишлаб чиқариш кўлами, натрий фосфатлар олишнинг физик-кимёвий асослари ва техник ечимлари, йўлдош аралашмалардан фосфат кислотани тозалаш усуллари бўйича адабиёт маълумотлари баён қилинган. Адабиёт манбаларини танқидий таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«**Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган экстракцион фосфат кислотасидан натрий фосфатларнинг тоза эритмаларини олиш жараёнларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида МК фосфоритларини олдиндан қисман фторсизлантирилган ЭФКни кальций оксиди, БФХ ва ЮКФК билан сульфатсизлантириш жараёнларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотлар учун P_2O_5 бўйича концентрацияси 14,45%, 20,45% ва 24,46% бўлган МК фосфоритларидан олинган фторсизлантирилган ЭФК ишлатилди, реактивлар меъёри $70^\circ C$ жараён ҳароратида 75% дан 300% гача ўзгартириб борилди, ўзаро таъсир давомийлиги 30 минутни ташкил этди (1-жадвал). 1-расмда сульфатсизлантирувчи реагентлар - кальций оксиди, БФХ ва ЮКФКни 20,45% ни P_2O_5 бўйича ЭФКни сульфатсизлантириш ва декальцинация даражасига таъсири натижалари келтирилган.

Тадқиқот ишида фойдаланилган фторсизлантирилган ЭФКнинг кимёвий таркиби

Кислота	Кимёвий таркиби, оғ.%						
	P ₂ O ₅	SO ₃	CaO	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	F
ЭФК-1	14,45	1,50	0,35	0,85	0,65	0,18	0,15
ЭФК-2	20,45	2,65	0,35	0,87	0,72	0,56	0,21
ЭФК-3	24,62	3,17	0,42	0,77	0,79	0,63	0,25



1-расм. CaO меъёрини сульфатсизлантириш (1,2,3) ва декальцинация(4,5,6) даражасига таъсири: 1, 4- БФХ, 2, 5-СаО, 3, 6- ЮКФК. т-30 мин, t-70°C

сульфатсизлантириш даражаси меъёр ортиши билан ортади. Сульфатсизлантириш даражасининг энг кучли ўсиши меъёрнинг 75 дан 125% ораликда ортиши билан кузатилади.

Реагент меъёри 125 % га ошиши билан ЭФКнинг сульфатсизлантириш даражаси мос равишда 71,0; 69,7 ва 69,0% га ошади. Меъёрнинг 300% гача орттириб борилиши билан сульфатсизлантириш даражасининг ортиши жуда секин ва унча катта бўлмаган миқдорда содир бўлади.


CaOни SO₃га 150% меъёрида, 20,45% P₂O₅ ва 2,65% SO₃ таркибли кислоталарига 20, 50 ва 70°C ҳароратларда ЮКФК таъсири ўрганилди.

Ҳарорат ортиши билан сульфатсизлантириш даражаси камаяди. Бу кальций сульфатнинг ЭФКдаги эрувчанлигининг ортиши ҳарорат ортиши билан боғлиқ. Масалан, ҳароратни 20 дан 70°C ортиши билан бир хил 60 минут сульфатсизлантириш вақтида ЭФК таркибидаги SO₃ миқдори 0,52% дан 0,75% гача ортади. Шу билан бирга CaO миқдори 1,82% дан 2,04% гача ошади.

Барча ўрганилган ҳароратларда жараённинг давомийлиги 15 дан 480 минутгача ортиши билан ЭФКни сульфатсизлантириш даражаси ортади. ЭФК сульфатсизлантириш жараённинг оптимал параметрлари - ЮКФК меъёри 150-200%, ҳарорат 20-50°C ва жараён давомийлиги - 45 минут. ЮКФК меъёри ва ЭФК концентрациясининг сульфатсизлантириш даражасига таъсири CaOни SO₃га меъёри 75-300%, ЭФК концентрацияси P₂O₅ бўйича 14,46; 20,45 ва 24,62%да, 70°C ҳароратда ва сульфатсизлантириш жараённинг давомийлиги 30 минутда ўрганилди (2-расм).

Сульфатсизлантирувчи реагент меъёри ортиши билан сульфатсизлантириш даражаси ортади, декальцинация даражаси эса камаяди. Шундай қилиб, SO₃ миқдорига сульфатсизлантирувчи реагентнинг 75% CaO меъёрида, сульфатсизлантириш даражаси кальций оксиди учун 57,5%, БФХ учун 56,00% ва ЮКФК учун 55,5% ни ташкил этади.

Экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, сульфатсизлантирувчи реагент CaO, БФХ ёки ЮКФК туридан қатъий назар ЭФКнинг



2-расм. ЮҚФК меъери ва ЭФК концентрациясини сульфатсизлантириш ва декальцинация даражасига таъсири: 3,4- 15%, 2,5-20%, 1,6-25%

ажратиш жараёнининг тезлиги ҳисобланади. Таҷрибалар давомида 15 ва 20% концентрацияли ЭФК ишлатилди (2-жадвал). Ҳарорат 20 дан 70°Сгача ўзгарган, суюқлик ва қаттиқ фазалар (С:К) нисбати 7,28:1 дан 20,99:1 гача, аралаштириш давомийлиги 30 минут бўлган.

ЮҚФК меъери ортиши билан сульфатсизлантириш даражаси ортади, декальцинация эса камаяди. Кислота концентрацияси қанча юқори бўлса, сульфатсизлантириш даражаси шунча паст бўлади, бу кислотанинг юқори P_2O_5 микдорида қовушқоклиги ошиши билан тушунтирилади.

ЭФКни сульфатсизлашда лимитловчи босқичлардан бири – гипс чўкмасини

2-жадвал


ЭФКни БФХ ва ЮҚФК билан сульфатсизлантиришдаги чўкмали бўтқанинг филтрланиши

Конц-я ЭФК, %, P_2O_5	$t, ^\circ C$	БФХ				ЮҚФК			
		С:К нисбати	Филтр. тезлиги $кг/м^2 \cdot ч$			С:К нисбати	Филтр. тезлиги $кг/м^2 \cdot ч$		
			бўтқа	чўкма	P_2O_5		бўтқа	чўкма	P_2O_5
15	20	20,54	618	13	88	28,43	2472	126	358
		18,69	591	18	84	16,00	2364	181	332
		16,72	536	31	76	9,30	2145	312	287
		12,94	386	77	53	3,48	1545	768	165
	40	16,21	805	10	113	17,57	3219	99	455
		13,00	752	21	104	7,48	3009	209	391
		11,09	693	36	95	4,61	2772	357	326
		9,20	503	85	67	2,17	2012	850	163
	70	12,73	915	8	126	10,87	3660	77	498
		10,15	875	25	118	3,70	3500	250	383
		8,70	829	39	110	2,50	3315	391	298
		7,28	610	92	79	1,40	2442	921	105
20,0	20	20,99	653	16	124	17,25	2349	138	443
		20,07	636	18	121	14,75	2174	173	405
		18,53	580	24	110	11,61	1952	235	357
		14,11	340	61	63	4,53	1236	614	193
	40	19,00	781	10	148	15,51	2933	97	549
		16,88	738	14	139	10,83	2622	155	476
		14,46	643	24	120	6,98	2218	255	380
		11,32	412	65	75	3,37	1587	637	223
	70	14,84	856	8	160	12,35	3392	68	623
		12,74	808	15	149	7,00	3091	129	530
		11,32	724	26	132	4,55	2686	256	419
		9,54	531	59	95	2,04	2031	664	207

БФХ ва ЮКФК сульфатсизлантирувчи реагент сифатида қўлланилган. Бўтқанинг филтрланишига таъсир этувчи энг муҳим омил бу суюқлик ва қаттиқ фазалар нисбати бўлди. 20-70°C ҳарорат оралиғида ва ЭФК концентрацияси 15% бўлганда БФХни сульфатсизлантирувчи сифатида ишлатилганда, С:Қ нисбати камайиши билан бўтқа бўйича филтрланиш тезлиги 59-64% га, P₂O₅ бўйича 36-41% га камаяди, чўкма бўйича эса 6-11 баробар ошади. Худди шундай ҳолат 20% ли ЭФК концентрациясида кузатилди, бунда С:Қ нисбатининг пасайиши билан бўтқа учун филтрация тезлиги 38-48% га, P₂O₅ учун 41-49% га камаяди ва чўкма учун 4-7 марта ортади. ЮКФКдан фойдаланишда БФХга нисбатан бўтқанинг филтрлаш тезлиги кескин ошади ва С:Қ нисбатининг ўзгариши билан бир хил қонуниятлар кузатилади.

Кальций оксид ишлатилганда игнасимон, яхши филтрланган фосфогипс кристаллари ҳосил бўлади, БФХ ишлатилганда БФХ ва фосфогипснинг номутаносиб компонентларидан ташкил топган майда дисперсли бирикмалар ҳосил бўлади, ЮКФК ишлатилганда БФХ, ЮКФК қолдиқлари ва фосфогипснинг кичик заррачалари билан таққослаганда каттароқ кристаллар ҳосил бўлади.

Қисман фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФКдан натрий фосфатлар олиш учун уларни натрий карбонат, бикарбонат ва гидроксид билан нейтралланди. Натрий бирикмаларининг меъёри натрий дигидрофосфат ҳосил қилиш учун стехиометрияга нисбатан 0-200% доирасида реакциялар бўйича қуйидагича бўлди:



ЭФКни натрий карбонат билан нейтраллаш бўйича тажриба маълумотлари 3-жадвалда кўрсатилган. Натрий дигидрофосфат ҳосил бўлиши учун нейтралловчи реагент меъёрининг 200% га ошиши билан Na₂O:P₂O₅ нинг нисбати 0,8732 га ортади ва кислота натрий карбонат, гидроксид ва бикарбонат билан нейтралланганда мос равишда P₂O₅нинг миқдори 21,66% дан 18,39% гача, 17,68% ва 18,46% гача камаяди. Шунингдек, SO₃ миқдори ҳам 0,84% дан 0,27-0,40% гача, СаО учун 2,07% дан 0,027-0,72% гача, MgO учун 1,24% дан 0,51-0,59% гача, Al₂O₃ учун 1,39% дан 0,015-0,025% гача, Fe₂O₃ учун 0,91% дан 0,005-0,010% гача камаяди, бунда фторнинг миқдори 0,002% ташкил қилади. Дигидрофосфат ҳосил бўлиши учун натрий карбонат меъёри 100% да рН=4,86, натрий гидроксид ишлатилганда рН=4,42 ва гидрокарбонат билан нейтралланганда рН=4,63 бўлади.

3-жадвал


Суюқ фаза кимёвий таркибига натрий карбонат меъёрларининг таъсири

Меъёр, %	Na ₂ O/P ₂ O ₅ нисбати	рН	Кимёвий таркиби, оғ. %							
			Na ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	СаО	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	F
Даст.	—	0,90	0,76	21,66	0,84	2,07	1,24	1,39	0,91	0,32
20	0,0873	1,66	1,87	21,42	0,83	2,047	1,23	1,374	0,900	0,316
40	0,1746	2,00	3,67	21,02	0,82	2,009	1,20	1,349	0,883	0,311
60	0,2620	2,42	5,46	20,73	0,77	1,439	1,04	1,272	0,665	0,142
80	0,3493	3,48	7,32	20,63	0,67	0,510	0,81	0,698	0,170	0,031
100	0,4366	4,86	9,14	20,42	0,52	0,091	0,72	0,065	0,016	0,004

Компонентларнинг ўзаро таъсир вақти ортиши билан суяқ фазада P_2O_5 дан ташқари барча оксидларнинг миқдори барқарор камаяди. P_2O_5 таркибининг сезиларли пасайиши ўзаро таъсирлашувнинг дастлабки 5 дақиқасида $20-100^\circ C$ ҳароратда бўлади.

Худди шундай қонуният суяқ фазадаги MgO таркибига нисбатан кузатилади. 30 дақиқа ичида, унинг пасайиши $20, 60$ ва $100^\circ C$ ҳарорат учун мос равишда $68, 58$ ва 57% бўлади. Қолган компонентлар (CaO, Al_2O_3, Fe_2O_3 и F) $20^\circ C$ ҳароратда 90 дақиқа давомида суяқ ичида барқарор равишда ўз миқдорларини камайтиради.

Ҳарорат ва вақт ортиб бориши билан чўкманинг кимёвий таркибида кальций, магний, алюминий, темир оксидлари миқдорининг маълум даражада ошиши ва натрий, олтингугурт оксидлари миқдорининг камайиши билан характерланади, P_2O_5 миқдори тахминан бир хил даражада қолади.



3-расм. ЭФКдан натрий карбонат меъёрининг аралашмаларни ажратиш даражасига таъсири: + – SO_3 ; ▲ – CaO ; × – MgO ; ○ – Al_2O_3 ; ◇ – Fe_2O_3 ; □ – F .

Натрий карбонат меъёрларининг аралашмаларнинг чўкиш даражасига таъсири 3-расмда кўрсатилган. Нейтралловчи агент туридан қатъий назар зичлик ҳарорат ортиши билан камаяди ва нейтралловчи агент (Na_2O/P_2O_5 нисбат) меъёрлари ортиши билан ортади.

Зичликнинг ҳароратга боғлиқлиги (Na_2O/P_2O_5 доимий нисбатда) чизикли бўлиб, Na_2O/P_2O_5 нисбатда (доимий ҳароратда) ночизикли бўлади. Натрий дигидрофосфат ҳосил қилиш учун кислотани натрий карбонат билан

нейтраллаш вақтида ҳосил бўлган фосфат лойка чўкмасини ажратиш олиш бўйича тадқиқотлар стехиометриянинг $75, 100$ ва 125% меъёрларида, чўктириш орқали ўтказилди.

Бўтқанинг тиникланиш даражасига 75 ва 100% ли натрий карбонат меъёрларида тиндириш вақти сезиларли таъсир этади. 75 ва 100% ли натрий карбонат меъёрларида тиндириш вақти ортиши билан тиникланиш даражаси ортади. Энг кучли ва юқори қийматга эга бўлган бўтқанинг тиниклик даражаси 71% га, натрий карбонатнинг 100% меъёрида эришилади.

Бўтқа ва чўкмадаги филтрланиш тезлиги, ҳароратлардан қатъий назар, паст қийматларга эга бўлади. Фосфатли шламни ажратишнинг энг самарали усули центрифугалашдир. Чўкмаларнинг микроскопик тасвирлари натрий ва темир, натрий ва алюминий, трикальцийфосфат ва ювилмаган натрий гидрофосфатнинг мураккаб фосфат бирикмаларига хос бирикмаларнинг доначаларини кўрсатади.

«Натрий дигидрофосфатлар олиш жараёнини тадқиқоти ва технологиясини ишлаб чиқиш» номли учинчи боби натрий дигидрофосфатни унинг тозаланган турли гидратли эритмаларидан ажратиш олишга бағишланган.

Фосфор кислотаси натрий карбонат билан ўзаро таъсирини тасдиқлаш учун натрий дигидрофосфат ҳосил қилиш учун изомоляр серияли усул билан 0,1 М фосфор кислотаси эритмаси ва 0,05 М натрий карбонат эритмасининг ҳажмий ва моляр нисбатларига қараб зичлик, қовушқоқлик, рН, кристалланиш ҳарорати, нур ўтказувчанлик хусусиятлари ўрганилди, 1:0,5 мол нисбатдаги кўрсаткичларининг экспериментал қийматлари аниқланди. Бу реакциянинг боришини кўрсатади:



эритмада натрий дигидрофосфат ҳосил бўлиши билан боради.

Натрий дигидрофосфат дигидратининг кристалланиши 52% ва 58% ли эритмалардан 20-30,4°C ҳароратда олиб борилди ҳамда филтрлаш тезлиги ва чўкмани ажратиб олиш 0,8 дан 2,4°C/соатгача бўлган совитиш тезлигида аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Натрий дигидрофосфат дигидратининг кристалланиши

С, %	Ҳарорат, °С	Совутиш тезлиги, °С/соат	С:Қ нисбати	Филтр-ш вақти, 200 мл, мин	Чўкмани ажратиш, кг/м ² ·с
52	28,2	2,4	4,61	1,80	98
		1,6	4,59	1,05	170
		0,8	4,57	0,53	336
	20,0	2,4	2,63	1,95	140
		1,6	2,65	1,15	239
		0,8	2,65	0,58	471
58	30,4	2,4	1,72	2,23	163
		1,6	1,74	1,31	279
		0,8	1,75	0,66	550
	20,0	2,4	1,12	2,42	193
		1,6	1,13	1,42	330
		0,8	1,14	0,72	650

Филтрлаш вақтига таъсир этувчи асосий омил эритмаларнинг совитиш тезлиги ҳисобланади. Эритманинг совитиш тезлиги камайиши билан филтрация вақти ҳам камайд. Эритмаларнинг совитиш тезлигини 2,4 дан 0,8°C/соатгача пасайиши ўртача 3,14-3,39 мартани ташкил қилади. Чўкмани филтр сирт бирлигидан ажратиб олиш ҳам эритманинг совитиш тезлигига сезиларли боғлиқдир. Эритманинг совитиш тезлиги камайиши билан чўкмани ажратиб олиш кескин ортади. Эритмаларнинг совитиш тезлиги 2,4 дан 0,8°C/соатгача пасайиши билан барча ўрганилган параметрлар учун чўкмани ажратиб олиш ўртача 3,36-3,43 марта ортади. Эритманинг концентрацияси ва ҳароратининг 52-58% ва 20,0-30,4°C оралиғида ўзгариши филтрлаш вақтининг ўзгаришига ва чўкмани йўқотиш характериға деярли таъсир кўрсатмайди. 60-61% ли эритмалардан натрий дигидрофосфат моногидратининг кристалланиши 40,8-49,1°C ҳароратли 0,8 дан 2,4°C/соатгача совитиш тезлигида олиб борилди (5-жадвал).

60% концентрацияли эритмада ва 47,6°C жараён ҳароратида эритманинг совитиш тезлигини 2,4 до 0,8°C/соатгача камайиши, филтрлаш вақтини 1,63 мин дан 0,53 мин гача камайтиради, чўкмани ажратиб олиш 83 дан 257 кг/м³·соат гача ортади.

Натрий дигидрофосфат моногидрати филтрланиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсири

С, %	Ҳарорат, °С	Совутиш тезлиги, °С/соат	С:К нисбати	Филтр-ш вақти, 200 мл, мин	Чўкмани ажратиш, кг/м ² ·с
60	47,6	2,4	23,49	1,63	83
		1,6	23,67	0,95	143
		0,8	23,67	0,53	257
	40,8	2,4	12,02	1,77	144
		1,6	12,15	1,04	247
		0,8	12,19	0,58	442
61	49,1	2,4	12,41	1,84	135
		1,6	12,53	1,08	231
		0,8	12,57	0,60	413
	40,8	2,4	7,61	2,00	193
		1,6	7,70	1,17	330
		0,8	7,74	0,65	590

Совутиш тезлиги камайиши билан маҳсулотдаги SO₃, CaO, MgO, Al₂O₃, Fe₂O₃ ва F аралашмалар миқдори қарийиб ярмига камаяди. Эритма концентрациясининг 62% дан ошиши тайёр маҳсулот таркибидаги аралашмалар миқдорининг ортишига олиб келади. Сувсиз натрий дигидрофосфатнинг кристалланиши 64°Сдан бошлаб совутиш тезлигини бошқариб, 66 ва 95% бўлган эритмаларда ўтказилди.

Натрий дигидрофосфатнинг бўтқаси натрий дигидрофосфатнинг дигидрати ва моногидратига қараганда анча яхши филтрланади. Агар бу маҳсулотлар учун филтрлаш вақти 0,58-2,23 минут оралиғида бўлса, дигидрофосфат олинганда бу кўрсаткич бир минутдан анча паст бўлиб, уни янада қулай кристалланиши билан изохлаш мумкин. Аввалги маҳсулотларда бўлгани каби, филтрлаш вақтини белгилайдиган асосий омил бўтқанинг совутиш тезлиги ҳисобланади. 2,4 дан 0,8°С/соат бўтқа совутиш тезлиги пасайиши билан барча ўрганилган жараён параметрлари учун, филтрлаш вақти 0,16-0,50 дақиқа ичида ўртача бўлди. Бундан ташқари, филтрдан чўкмани ажратиш олиш бўтқа совутиш даражасининг пасайиши билан деярли икки баробар кескин ортади. Бўтқанинг 64-66% концентрациясида ҳароратнинг 73,9 дан 57,4°Сгача бўлган оралиқда пасайиши билан филтрация вақти деярли икки мартага ортади.

Совутиш тезлиги ва бўтқа ҳароратининг 73,9 дан 57,4°Сгача пасайиши чўкмага тушган SO₃, CaO, MgO, Al₂O₃, Fe₂O₃ ва F аралашмалар миқдорининг бирмунча камайишига сабаб бўлади. Дастлаб совутилган, техник натрий карбонат билан нейтралланган сувсиз натрий дигидрофосфат олишнинг оптимал технологик параметрлари 0,8°С/соат тезлик ва камида 73,9°С ҳароратда, нейтралланади, дастлабки совутиш етилади.

6-жадвалда натрий дигидрофосфат кристалларини қуриштириш ва натрий дигидрофосфат эритмасини буғлатиш қуриштириш йўли билан олинган маҳсулотлар таркиблари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олинган натрий дигидрофосфат дигидрат таркибига дастлабки эритмадан такроран фойдаланишнинг таъсири ўрганилди.

**Натрий дигидрофосфат кристаллогидратлари ва эритмаларидан олинган
сувсиз натрий дигидрофосфатларнинг кимёвий таркиби**

Намуна	Кимёвий таркиб, оғ.%							
	Na ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	CaO	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	F
NaH ₂ PO ₄ ·2H ₂ O	25,51	58,04	0,385	0,087	0,021	0,0010	0,0011	0,0007
NaH ₂ PO ₄ ·H ₂ O	25,52	57,64	0,714	0,137	0,032	0,0010	0,0014	0,0006
NaH ₂ PO ₄	25,47	57,31	0,995	0,223	0,049	0,0011	0,0012	0,0006
NaH ₂ PO ₄ эритмасидан	24,79	55,39	1,438	0,247	1,953	0,1762	0,0434	0,0108


Бу ҳолда, дастлабки эритма олдинги босқичдаги маҳсулот кристалланишидан сўнг белгиланган концентрациягача буғлатилди. Дастлабки эритмадан уч марта такрор фойдаланиш билан маҳсулот аралашмаларининг кристалларга ўтиш даражасининг ошиши нисбатан паст ва мос равишда, SO₃ - 10,23; CaO - 16,07; MgO - 0,62; Al₂O₃ - 0,48; Fe₂O₃ - 2,86 ва F - 4,99% ни ташкил қилади. Дастлабки эритмадан такроран фойдаланиш такрорланишининг тўрт мартадан ортиши билан бу кўрсаткичлар кескин ошади ва мос равишда, SO₃ - 29,77; CaO - 38,06; MgO - 4,54; Al₂O₃ - 2,57; Fe₂O₃ - 8,20 и F - 29,50% ни ташкил қилади. Юқори сифатли озучабоп натрий фосфатда P₂O₅ нинг маҳсулдорлиги 81,63%, озучавий фосфатда эса 43,68% дан ортмайди.

«Натрий-аммоний гидрофосфат ва натрий дигидрофосфат олиш жараёнини тадқиқ қилиш» номли тўртинчи боби натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрати ва натрий дигидрофосфат моногидрати олишга бағишланган.



Моноаммонийфосфатнинг натрий карбонат билан ўзаро таъсири натижасида натрий-аммонийгидрофосфат олиш имкониятини физик-кимёвий асослаш учун 0,1 М аммонийдигидрофосфат эритмаси ва 0,05 М натрий карбонат эритмасининг рН, зичлик, қовушқоқлик, нур ўтказиш коэффициенти ва музлаш ҳароратлари кўрсаткичлари ўзгариши изомоляр серия усули билан ўрганилди.

Компонентлар нисбати 1:1 бўлганда, топилган кўрсаткичларда кескин ўгаришлар бўлиши аниқланди, бу реакция натрий-аммонийгидрофосфатнинг янги фазалари ҳосил бўлишини кўрсатади:



Натрий-аммоний фосфат олиш имкониятини физик-кимёвий асослаш учун NaH₂PO₄-NH₄H₂PO₄-H₂O ва Na₂HPO₄-(NH₄)₂HPO₄-H₂O системаларида эрувчанлик визуал-политермик усул билан ўрганилди.

NaH₂PO₄-NH₄H₂PO₄-H₂O системаси тўлиқ музлаш ҳарорати -51°С дан 60°С гача ўрганилди. Системанинг политермик эрувчанлик диаграммаси тузилди, унда муз, моноаммонийфосфат, мононатрийфосфатнинг икки сувли-, бирсувли- ва сувсиз кристалланиш соҳалари чегараланган. Эрувчанлик диаграммасида учта қаттиқ фазанинг биргаликдаги кристалланишига мос келадиган системанинг учта тугал нуқтаси кўрсатилган. Системанинг эвтектикаси 17,9% NH₄H₂PO₄ ва 82,1%-H₂O таркибда -45,0°С га тўғри келади.

Эрувчанлик диаграммасини таҳлили шуни кўрсатадики, система компонентлар бир-бирининг эрувчанлигини камайишига таъсир кўрсатади.

$\text{Na}_2\text{HPO}_4\text{-(NH}_4\text{)}_2\text{HPO}_4\text{-H}_2\text{O}$ тизими тўлиқ музлаш ҳароратидан 70°C гача ўрганилди. $\text{Na}_2\text{HPO}_4\text{-(NH}_4\text{)}_2\text{HPO}_4\text{-H}_2\text{O}$ системанинг политемик диаграммаси тузилиб, унда қаттиқ моддаларнинг олти қаттиқ фаза: муз, $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$, $\text{Na}_2\text{HPO}_4\cdot 12\text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{HPO}_4\cdot 7\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Na}_2\text{HPO}_4\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ларнинг кристалланиш майдони чегараси аниқланди. Бу майдонлар учта қаттиқ фазанинг биргаликдаги мавжудлигининг тўртта нонвариант нуқтасида бирлашади, улар учун кристалланиш ҳароратлари ва мувозанат эритмаларининг таркиблари аниқланган. Бу системада Na_2HPO_4 нинг яхши эрувчанлиги туфайли ҳарорат ортиши билан $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ га тузланиш таъсири ортиб боради.

МҚ фосфоритлардан олдиндан фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФКдаги кальций оксид, фтор, 2 ва 3 валентли металл оксидлари миқдорини камайтириш учун, рНни 3,5 дан 5,0 гача қийматларида аммонизация жараёнини кислотанинг кимёвий таркибини ўзгаришига таъсири ўрганилди. Суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш центрифугалаш йўли билан амалга оширилди.

Аммонийлаштириш бўйича олинган натижалар рН нинг 3,5 дан 5,0 гача ошиши билан СаО миқдори 0,49% дан 0,17% гача, MgO 0,49 дан 0,39% гача, Al_2O_3 дан 0,136% дан 0,019% гача, Fe_2O_3 дан 0,096% дан 0,016% гача камайишини кўрсатди, сульфатлар таркиби амалда ўзгармайди.

Сульфатлардан кўпроқ тозаланган кислота олиш учун ЭФКга, қисман фторсизлантирилган ва сульфатсизлантирилган ЭФКдаги қолдиқ SO_3 миқдори учун ВаОнинг стехиометрик меъёри ҳисобида барий карбонат киритилди. Барий карбонат меъёри 80% дан 100% гача ўзгартирилди. Бошланғич кислотада миқдори 0,74% SO_3 қийматида барий карбонат меъёри 80% дан 100% гача ортиши билан сульфатлар миқдори 0,142% дан 0,001% гача камаяди. Шу билан бирга сульфатсизлантириш даражаси 79,96-99,80% ни ташкил этади.

Натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрат олиш учун натрий карбонат билан нейтралланган моноаммонийфосфатнинг тозаланган эритмасидан фойдаланилди. ЭФКнинг тозаланган эритмаларини натрий карбонат билан тўлиқ сульфатсизлантириш, аммонийлаш ва қўшимча нейтраллаш сульфатлар миқдорини 0,0005-0,0009% дан, СаОни 0,004-0,007%дан, MgОни 0,10-0,14%дан ошмайдиган эритмалар олиш имконини беради, алюминий, темир ва фтор оксидлари миқдори SO_3 миқдоридан ошмайди. Натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидратини олиш учун суюқ фаза вакуум остида $40\text{-}50^\circ\text{C}$ ҳароратда буғлантирилди, $25\text{-}30^\circ\text{C}$ ҳароратгача совутилгач, туз кристалларини ажралиб олинди. Na_2O миқдори, $\text{Na}_2\text{O:P}_2\text{O}_5$ нинг бошланғич нисбатига қараб, 14,53 дан 14,87% гача, P_2O_5 34,43 дан 33,43% гача, азот 5,95 дан 5,67% гача ўзгаради.

Натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидрати эритмаларини 90°C ҳароратда қуритиш йўли билан кимёвий таркиби 7-жадвалда кўрсатилган натрий дигидрофосфат моногидрати олинди. Кимёвий таркиби томонидан, натрий дигидрофосфат моногидрат 0,44-0,31% азот, 0,47-0,33% MgO, 0,023-0,015% СаО ва мингдан бир фоизларда, бошқа шу жумладан, сульфатли қўшимчаларни ўз ичига олади.

Натрий дигидрофосфат моногидратининг кимёвий таркиби


Na ₂ O/ P ₂ O ₅	Кимёвий таркиб, оғ. %								
	Na ₂ O	P ₂ O ₅	N	SO ₃	CaO	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	F
0,42	21,91	52,23	0,44	0,0029	0,023	0,47	0,0023	0,0017	0,0022
0,43	22,13	51,79	0,40	0,0024	0,020	0,42	0,0023	0,0015	0,0021
0,44	22,41	51,38	0,35	0,0020	0,017	0,37	0,0021	0,0014	0,0020
0,45	22,68	50,93	0,31	0,0017	0,015	0,33	0,0020	0,0012	0,0020

Қолдиқ азот миқдори кўш натрий-аммоний магний MgNH₄PO₄ тузининг мавжудлиги билан боғлиқ. Натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидратининг физик-кимёвий хоссалари рентгенфазавий, ИҚ-спектроскопик, термогравиметрик, электрон микроскопик таҳлил усуллари ёрдамида ўрганилди. 50°C ҳароратда қуритиб олинган ва 100°C ҳароратда қуритиш йўли билан натрий дигидрофосфат моногидрати олинган натрий-аммоний-гидрофосфат тетрагидратлари 3,02, 2,86, 2,67, 1,91 Å интенсив чўкқилари билан характерланади. 100°C қуритиш ҳароратида натрий дигидрофосфат моногидрат ҳосил бўлади, у 4,40, 3,91, 3,05, 2,85, 2,65 Å интенсив чўкқилари билан характерланади. Шу билан бирга намуналарда MgNH₄PO₄·6H₂O мавжуд бўлади.


Натрий аммонийгидрофосфат тетрагидратининг ИҚ- спектрида 570–750 ва 890–1015 см⁻¹ оралиғида икки гуруҳ ютилиш чизикларини ажратиш олиш мумкин, бу бирикма анионининг узун занжирли тузилишини кўрсатади. Ажратиш олинган бирикманинг ИҚ-спектрларига хос бўлган занжирли тўртта PO₄ тетраэдрли фосфатларга хослиги билан характерланади.

Натрий-аммоний кўш тузининг элементар таҳлили қуйидаги таркибни кўрсатади (оғ. %): 12,1 - Na; 15,2 - P; 5,6 - N; 0,3 - Mg, бу кўш туз натрий-аммоний таркибига мос келади (4-расм).

Натрий дигидрофосфат моногидратининг элементар таҳлили қуйидаги таркибни кўрсатади (оғ. %): 16,7 - Na; 22,5 - P; 0,5 - N; 0,4 - Mg. Олинган натижалар натрий дигидрофосфат моногидрат таркибига мос келади (5-расм).




4-расм. Натрий-аммонийгидрофосфат тетрагидратининг элементар таҳлили




5-расм. Натрий-дигидрофосфат моногидратининг элементар таҳлили


«Натрий гидрофосфатлар олиш жараёнини тадқиқ этиш ва технологияларини ишлаб чиқиш» номли бешинчи боби тозаланган эритмалардан турли гидратли натрий гидрофосфат олишга бағишланган.



Бунинг учун натрий дигидрофосфатнинг натрий карбонат билан ўзаро таъсирини изомоляр серия усулида 0,1 М натрий дигидрофосфат эритмаси ва 0,05 М натрий карбонат эритмаси ёрдамида турли хил нисбатлардаги тадқиқотлари ўтказилди. Компонентларнинг 1:1 мол нисбатида изомоляр параметрлар – зичлик, ковушқоқлик, рН, кристалланиш ҳароратида кескин ўзгаришлар кузатилади, бу реакциянинг боришини кўрсатади:



Визуал-политермик усул билан $\text{NaH}_2\text{PO}_4\text{-Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}$ системасида



6 - расм. $\text{NaH}_2\text{PO}_4\text{-Na}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}$ системасини политермик эрувчанлик диаграммаси

эрувчанлик тўла музлаш ҳарорати $-14,0^\circ\text{C}$ дан 60°C гача ўрганилди.

Системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси тузилди, унда етти қаттиқ фазалар: муз, NaH_2PO_4 , $\text{NaH}_2\text{PO}_4\cdot\text{H}_2\text{O}$, $\text{NaH}_2\text{PO}_4\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Na}_2\text{CO}_3\cdot 10\text{H}_2\text{O}$, Na_2CO_3 ва янги фаза $\text{Na}_2\text{HPO}_4\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ нинг кристалланиш майдон чегаралари кўрсатилган (6-расм). Бу майдонлар учта қаттиқ фазанинг биргаликдаги мавжудлигининг тўртта учлик нонвариант нуқтасида бирлашади, улар учун кристалланиш ҳароратлари ва мувозанат эритмасининг таркиблари аниқланган. Натрий гидрофосфат дуодекагидратининг кристалланиши $35,4\text{-}41,9^\circ\text{C}$ ҳароратли $35,0\text{-}43,4\%$ ли тозаланган эритмаларда амалга оширилди (8-жадвал).

Чўкма ажратиш олиш $4,8$ ва $3,2^\circ\text{C}/\text{с}$. совутиш тезлигида мос равишда 28 ва $43\text{ кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$.га ортади, ўз навбатида, $1,6^\circ\text{C}/\text{с}$. совутиш тезлигида эса, кескин $892\text{ кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$. қийматида ошади.

Эритма концентрациясининг $43,4\%$ га ошиши билан қолган бир хил параметрларда 38% концентрацияга нисбатан филтрлаш вақти $0,25\text{-}1,61$ минут ораллиғида ортади. Чўкмани ажратиш олиш $4,8$ ва $3,2^\circ\text{C}/\text{с}$. эритманинг совутиш суръатларида бироз камаяди ва $1,6^\circ\text{C}/\text{с}$.да чўкмани ажратиш олиш кескин ортади ва $950\text{ кг}/\text{м}^2\cdot\text{с}$.ни ташкил қилади. Бунда филтрлаш вақти кескин $0,93\text{-}1,40$ мин.гача камаяди.

Натрий гидрофосфат дигидратнинг кристалланиши $48,0$ ва $51,5\%$ ли эритмаларда амалга оширилди. Совутиш даражаси 70°C дан бошлаб тартибга солиб борилди. Эритма концентрацияси $48,0\%$ ва $63,3^\circ\text{C}$ ҳароратда совутиш тезлиги $4,8$ дан $1,6^\circ\text{C}/\text{соат}$ гача пасайиши билан филтрлаш вақти $1,26$ дан $0,61$ дақиқагача, яъни икки мартадан кўпроқ камаяди.

Филтрлаш вақти, чўкма тушиши ва маҳсулот таркибидаги етарли даражада кескин ўзгаришлар, эритма концентрациясининг $48,0$ дан $51,5\%$ гача ортганида кузатилди. $69,3^\circ\text{C}$ ҳароратда совутиш тезлиги $4,8$ дан $1,6^\circ\text{C}/\text{соат}$ гача пасайиши билан филтрлаш вақти $0,12\text{-}0,24$ дақиқага, чўкмани

ажратиб олиш-419-887 кг/м²·соатга ошди. Ҳароратнинг 43,4°Сгача пасайиши билан фильтрация вақти ва чўкмани ажратиб олиш 1,05-2,15 минут ва 1250 кг/м²·соатгача мос равишда яна ҳам ортади. Филтрлаш вақтининг ортиши, ҳароратининг пасайиши ва эритма концентрациясининг ортиши билан унинг қовушқоклиги ортиб бориши орқали тушунтирилади.

8-жадвал

Натрий гидрофосфатларнинг кристалланиши

С, %	Ҳарорат, °С	Совутиш тезлиги, °С/соат	С:Қ нисбати	Филтр-ш вақти, 200 мл, мин	Чўкмани ажратиш, кг/м ² ·с
Натрий гидрофосфат дуодекагидратни кристаллизацияси					
22,0	25,5	4,8	2,22	3,01	198
		3,2	2,24	1,30	453
		1,6	2,26	0,88	678
	20,0	4,8	1,32	4,17	198
		3,2	1,32	1,80	455
		1,6	1,33	1,22	685
30,0	27,7	4,8	0,59	4,56	265
		3,2	0,59	1,97	609
		1,6	0,59	1,34	917
	20,0	4,8	0,37	6,32	222
		3,2	0,37	2,73	511
		1,6	0,37	1,85	768
Натрий гидрофосфат гептагидратни кристаллизацияси					
38	40,1	4,8	2,59	5,06	131
		3,2	2,64	3,30	195
		1,6	2,70	0,93	714
	35,4	4,8	1,50	5,99	159
		3,2	1,51	3,90	238
		1,6	1,50	1,10	892
43,4	41,9	4,8	2,33	6,42	112
		3,2	2,34	4,18	167
		1,6	2,35	1,18	620
	35,4	4,8	0,84	7,60	170
		3,2	0,85	4,95	255
		1,6	0,85	1,40	950
Натрий гидрофосфат дигидратни кристаллизацияси					
48,0	63,3	4,8	8,62	1,26	281
		3,2	8,72	0,89	397
		1,6	8,88	0,61	568
	43,4	4,8	5,64	1,80	284
		3,2	5,66	1,28	404
		1,6	5,64	0,88	589
51,5	69,3	4,8	2,24	1,50	700
		3,2	2,23	1,06	1001
		1,6	2,24	0,73	1455
	43,4	4,8	1,62	2,15	604
		3,2	1,62	1,52	862
		1,6	1,62	1,05	1250

Оптимал кристалланиш параметрлари булар эритманинг концентрацияси-51,5% дан кам эмаслиги, ҳарорати-43,4°C дан кўп эмаслиги, эритманинг совиш даражаси-1,6°C/соатдан кўп эмаслиги билан белгиланади.

Натрий дигидрофосфатдаги каби, юқори концентрланган маҳсулот олиш учун натрий гидрофосфат кристаллогидратлари қуритиш орқали сувсиз ҳолатга келтирилди (9-жадвал). Бундан ташқари, кристалланиш учун ишлатиладиган натрий гидрофосфатнинг дастлабки эритмалари буғлатилди ва улар ўз навбатида қуритилди.

9-жадвал

Натрий кристаллогидратлари ва гидрофосфат эритмаларидан олинган сувсиз натрий гидрофосфатнинг кимёвий таркиби

Намуна	Кимёвий таркиби, оғ.%							
	Na ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	CaO	MgO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	F
Na ₂ HPO ₄ ·12H ₂ O	43,34	52,20	0,621	0,189	1,630	0,0073	0,0085	0,0008
